


СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ ШЎРЛАНИШИ

МУАММОЛАР

Шўрланиш нима дегани?


Шўрланиш – тупроқнинг ўсимлик илдизлари мавжуд қатламида туз миқдорининг ошиб кетиши

Тупроқни ювиш учун кўп сув талаб қилинади



РАҚАМЛАР

Ўзбекистондаги шўрланган ер майдонлари – 2108,8 минг га – суғориладиган ер майдонларининг 49 фоизи




Маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг "Атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида"ги миллий маърузасидан олинди – 2011

ШЎРЛАНИШ САБАБЛАРИ



суғориш учун ҳаддан зиёд сув ишлатиш – тузни ердан тупроқнинг юқори қатламларига тортиб олиниши сабаби



минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланиш

органик моддалар етишмаслиги оқибатида тупроқнинг зичлашиб кетиши ва говакликнинг йўқолиши



ишлаб чиқариш таннархига мелиорацияни киритмаслик ёки уни эътиборсиз қолдириш

ШЎРЛАНИШ ОҚИБАТЛАРИ



тупроқ сифатининг ёмонлашуви




ҳосилдорлик камайиб кетиши



шўрланган ер майдонлари мелиорация учун жуда кўп сармоя талаб қилади



унумдорлик ва ҳосилдорликни тиклаш учун анча муддат талаб этилади



Кейинги 30 йил мобайнида шўрланиш оқибатида тупроғимизнинг 50 фоиз унумдорлиги йўқолди

ФЕРМЕРЛАРГА ЕРНИНГ ШЎРИНИ КЕТКАЗИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Шўрланишнинг илк сабабини аниқланг, камайтинг/даф қилинг. Туз қаердан пайдо бўлаётганини тушуниб олиш керак!

Суғориш амалиётини ўзгартиринг, чунки тузнинг аксарияти оқим сув ёки ерости суви билан бирга келади!


Шўрланишни камайтириш усулларини қўлланг.



Тўғри суғориш



Далани лазер ёрдамида текислаш – шўрни ювиш ва суғориш учун сув сарфини 25 фоизгача камайтиради



Суғоришнинг замонавий усуллари – томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, далага берилмаётган сув миқдорини назорат қилиш усуллари



Экин майдонлари атрофида дренажнинг турли усуллари




Жўяк ора (бир жўяк қуруқ қолдириб кейингиси орқали) суғориш

Ўғитларни тўғри қўллаш

Ўсимликлар ўғитларни яхши ўзлаштириши учун минерал ва органик ўғитларни бирга қўлламоқ керак.



Минерал ўғитни суғоришдан олдин эмас, кейин беринг.



Азот ўғитининг зарур меъёрини аниқлаш учун асбоблардан фойдаланинг [SPAD, Greenseeker, Leaf Colourchart ва ҳ.к.]

Органик ўғитларни тўғри бериш



Минерал ўғит ўрнига органик ўғитни бериш: гўн меъёри 10-15 тонна/га



Ҳар доим қоплама экинлардан фойдаланинг – тупроқда қанча кўп ўсимлик қолдиқлари ёки илдизлар қолса, шўр шу қадар тез кетади.



Мульчалаш ва сидерация бўлиши шарт. Тупроқ қанча кўп ўсимлик қолдиқлари ёки жонли ўсимликлар билан қопланган бўлса, тузни ер остидан тупроқ юзасига тортиб олиш шунча камайди.



Тупроқдаги органик ўғитларни сақлаб қолиш учун ерни ҳайдамай экин экинг.

Қўшимча маслаҳатлар



Далалар четига дарактларни қатор қилиб экиш экин майдонингизни дренаж қилиш ҳамда тупроқдаги сув билан туз мувозанатини сақлаб туриш учун иқлимни қулайлаштириш имконини беради.



Қаттиқ шўрланган ерлар учун шўрга чидамли ва тупроқни яхшилайдиган индигфера, қизилмия ва ҳк. экинлардан фойдаланинг.